Ўзбекистон Республикаси бюджет
тизими бюджетларининг ғазна ижроси
қоидаларига 8-илова

2022 йил “ 15 ” ноябрьдаги Ромитан туман ХТБ ва New Star Bukhara мчж
ўртасида 4 700 000 сўм умумий суммага тузилган 54272 -сон шартномага
ТУЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб **075**
Шахсий газна хисобварак 401722860062427092100075028

*(сўмда)*

| 2019й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | **(7092 100 075)** (42.34.990) | (***) | (***) | |
| Январ | | | | |
| Феврал | | | | |
| Март | | | | |
| Апрел | | | | |
| Май | | | | |
| Июн | | | | |
| Июл | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябр | | | | |
| Октябр | | | | |
| Ноябр | 4 700 000 | | | 4 700 000 |
| Декабр | | | | |
| Жами | 4 700 000 | | | 4 700 000 |

Жами сумма: 4 700 000 (Тўрт миллион етти юз минг сўм) сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 1 410 000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30 % 2022 йил **июнь** ойида туланиши лозим.

Раҳбар ________________Х.Зикриллоев

М.Ў.

Бош ҳисобчи ________________Х.Неков

Ғазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди __________
2022 й. «____»___________ (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди __________
2022 й. «____»___________ (имзо)

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 54272 (лот № 22110012174647)

Ромитан туман «15» ноябрь 2022 йил

**New Star Bukhara мчж** (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ж.Сойибов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Ромитан туман ХТБ, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Х.Зикриллоев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га 11-мактаб биноси кузатув камера линияларини ва яроксиз холатда келиб колган камераларни таъмирлаш хамда ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш. (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил "15" "11"дан 2022 йил "30" "11" га амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:
2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:
2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда опенбюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:
2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:
2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:
2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.
2.4.4. Шартномадаги 3.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

## III. ШАРТНОМАНИНГ
## БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 4 700 000 (Тўрт миллион етти юз минг сўм) сўмни ташкил этади.
Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми Юкорида кўрсатилган суммадан шартнома умумий сумманинг тулов жадвал буйича таксимланган ойлик суммасининг 30 %и яъни 1 410 000 сум миқдорида олдиндан 2022 йилнинг июнь ойида олдиндан хак тулайди ва Курсатилган хизматлар учун кабул килиш топшириш

...атномаси имзолангандан кейин хизматлар туркуми суммасининг , якуний тўловнинг 70 % яъни 3 290 000 ... миқдори 2022 йилнинг 30 ноябрьгача якуний тулов амалга оширилади..

... Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

...1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши ...ерак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси тўғрисида"ги қонуннинг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигиининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари"(Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради хамда 31.12.2022 йилгача амалда булади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири

хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: "1008" ишонч телефони, телеграм-канали "@anticorbot" орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

*«Бажарувчи»*

**New Star Bukhara мчж**
_______________________________
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор тумани Варахшо кучаси 53-уй
_______________________________
Тел./факс 907323544
х/в: 20208000104923740001

Банк номи: Асака банк Бухоро ш .
МФО 00120 СТИР 302037932
ОКНХ

Раҳбар _______________ Ж.Сойибов
(Ф.И.Ш)
_______________________________
(имзо)

М.Ў.

*"Буюртмачи"*

**Ромитан тумани ХТБ**
_______________________________

(бюджет маблагларини олувчи номи)
манзили: Ромитан шахар Бахористон куч
тел\факс; 65-55-2-18-04

ш\хв 401722860062427092100075028
ОКОНХ ИНН 200978272
Ромитан туман Газначилик булинмаси
ЯГХ: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО 00014
Ғазначилик булинмаси СТИРи 201 122 919

Раҳбар _______________ Х.Зикриллоев
_______________________________
(имзо)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _______________________________
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: _______________________________

**Настояшее приложение является неотемлемой часьтю**
**к договору № 54272 от «13» 11 2022 года**
**заключенным между Ромитан туман ХТБ**
**(наименование организации)**
**и New Star Bukhara мчж**
**(наименование организации)**

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

Поставщик New Star Bukhara мчж расч.счёт 20208000104923740001
Ромитан туман Микрокридит банк МФО 00120
**ИНН** 302037932 **ОКНХ**

Покупател:Ромитан туман ХТБ ш/.р 401722860062427092100075028
Банк Марказий банк Тошкент шахар МФО 00014

**ИНН 200978272**

| **№** | **Наименование товара (продукции)** | **Ед. Измер** | **Колво** | **Цена** | **Сумма** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ромитан тумани ХТБга карашли 11-мактаб биноси кузатув камера линияларини ва яроксиз холатда келиб колган камераларни таъмирлаш хамда ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш. | Услуга | 1 | 4 700 000 | 4 700 000 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| **ЖАМИ** | | х | х | х | 4 700 000 |

**Сумма** 4 700 000 **сум** (Тўрт миллион етти юз минг сўм)

**(Суз билан ёзилади)**

| **Поставщик** | **Покупатель** |
|---|---|
| **New Star Bukhara мчж** | **Ромитан туман ХТБ** |
| **(наименование организации)** | **(наименование организации)** |
| **Ж.Сойибов** | **Х.Зикриллоев** |
| **(подпись и Ф.И.О. руководителя)** | **(подпись и Ф.И.О. руководителя)** |
| М.п | М.п |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: JL6647810030

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

JL6647810030

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **New star Bukhara MCHJ va Romitan tuman Xalq ta'limi bo'limi o'rtasida 2022-yil 15-noyabrdagi 4 700 000 (to'rt million yetti yuz ming) so'mlik 54272-sonli (lot 22110012174647) xizmat ko'rsatishga oid** (11-maktab binosi kuzatuv kamera liniyalarini va yaroqsiz holga kelib qolgan kameralarni ta'mirlash) **shartnoma.**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Romitan tumani xalq ta'limi tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Romitan tumani yuridik markazi markaz rahbari:**

**F.Q.KENJAYEV**

21.11.2022

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 174647 на приобретение Ромитан туман ХТБ га карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун

Способ проведения электронный

Дата 11.11.2022

Время рассмотрения 11.11.2022 16:46

Закупочная комиссия Ромитан тумани Халк таълими булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ZIKIRILLOYEV XAYRULLO SADULLOYEVICH | Директор | 1 |
| **Секретарь комиссии** | QALANDAROV AZIZBEK ULUG‘BEK O‘G‘LI | Котиб | Курилиш |
| **Член комиссии** | QODIROV MUXSIN QOBIL O‘G‘LI | ЭХБ бошлиги | Курилиш |
| **Член комиссии** | KAROMOV AMRILLO RAJABOVICH | ЭХБ Экспирти | Курилиш |
| **Член комиссии** | AXMEDOV AZIZ AVAZOVICH | ЭХБ инспектори | Курилиш |
| **Член комиссии** | BO‘RONOV ERGASH NURMURODOVICH | Бош иктисодчи | Курулиш |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.11.2022 года № лота 174647.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по монтажу и установке системы видеонаблюдения** |
|---|---|
| Подробное описание | Ромитан туман ХТБ га карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун(камера 4 шт , кабель 300 м, Ремонт HDD 500 Gb 1 шт,замена караба разное 10 м, замена пилот 3м 1 шт, замена ризетка 220v 1 шт,....) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 4 797 000.00 |
| Стартовая сумма | 4 797 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза

Тип: Бинарное значение

Описание: Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | 1 | 8 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танловга катнашиш буйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловга катнашиш буйича ариза

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | Мен Сохибов Жасур NEW STAR BUKHARA MCHJ да рахбари лавозимида ишлайман. Харид комиссияси томонидан № 22110012174647 лот билан утказилиши режалаштирилаётган Ромитан туман ХТБга карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш ишларига давлат харидларига ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдирамиз. | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | Мен Жумaев Жaвоҳир JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS MCHJ да рахбари лавозимида ишлайман. Харид комиссияси томонидан № 22110012174647 лот билан ўтказилиши режалаштирилаётган Ромитан туман ХТБга карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун ишларига давлат харидларига ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдираман. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Корхонанинг молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдикланган маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Корхонанинг молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки

бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдикланган маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчининг мавжудлиги ва Иш турлари ва ҳажмининг иштирокчи корхона томонидан тақдим зтилган таклифга мувофиқлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчининг мавжудлиги ва Иш турлари ва ҳажмининг иштирокчи корхона томонидан тақдим зтилган таклифга мувофиқлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишни бажариш мухлатига буйича кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | " NEW STAR BUKHARA " МЧЖ нинг 22110012174647 бўйича Ромитан туман ХТБга карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун 5 (беш) иш куни мобайнида таъмирлаб яроксиз холдага жихозларги алмаштириб беришни кафолатлаймиз. Бажариладиган хизматимизга 1 йил кафолат берамиз ва бу вакт ичиди носоз келган жихозлар корханамиз хисобидан | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | янгисига алмаштириб берилишига кафолатлаймиз. | | | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | " JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS " МЧЖ нинг 22110012174647 бўйича Ромитан туман ХТБга карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун 10 (ун) иш куни мобайнида таъмирлаб яроксиз холдага жихозларги алмаштириб беришни кафолатлаймиз. Бажариладиган хизматимизга 6 ой кафолат берамиз ва бу вакт ичиди корханамиз хисобидан ҳар ойи техник кўрикдан ўтказиб туришни кафолатлаймиз. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | Ушбу хат билан NEW STAR BUKHARA” МЧЖ 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини; 2) ҳар қандай ҳаракат, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида ҳар қандай БУЮРТМАЧИ харидлари тартибини қўллаш комиссияси таъсир қилиш учун БУЮРТМАЧИнинг ҳар қандай жорий ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходими ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда, бир иш ёки ҳар қандай бошқа | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қимматли нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки қимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини; 3) рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик ҳолатлари аниқланганда; 4) Буюртмачи билан қизиқишлар бўйича низоларга эга эмаслигини, муассислар ва/ёки ИЖРОЧИ ичида ижрочининг танловига кўра қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган яқин қариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини; 5) нархлар ёки тендер натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини ; 6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини; 7) сохта ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди. | | | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) қуйидаги моддалари билан танишиб чиқиб: 13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи ; 14-модда. Манфаатлар тўқнашуви. Харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, иштирокимиз давомида | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | очиқлик, шаффофлик ва инсофли рақобат принципларига таянишни кафолатлаймиз. Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган холларда бу ҳақда бевосита давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этилишини билдирамиз. | | | | |

Критерий №7 Корхонанинг 2022 йилга банк айманма маблаглари хакидаги маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Корхонанинг 2022 йилга банк айманма маблаглари хакидаги маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | 1 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 Иштирокчи корхона тасис хужжатлари

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхона тасис хужжатлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №9 Иштирокчи корхонанг иш тажрибаси ва шу сохадаги сертификарлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат курсатувчи корхонанинг локалний сет ортиш буйичаги сертификати ва 2022 й бажарган ишлари шартномаларм

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | Корхонамиз 24 июнь 2011 йилда ташкилтопгпн булиб шу кунгача уз фаолитини орт техника жихозларини таъммирлаш ва ишлаб чикараш сохасида ишлаб келмокда. Корхонамиз фаолият доирасида турли хилдаги мувофиклик сертификатлари мавжжуд булиб улардан бири камералаштириш сехасидаги сертификат булиб хисобланади. Корхонамиз сертификатлари илова килинди. | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | Сертификатар илова килинди | 4 | Экспертная | | |

Критерий №10 Иштирокчи корхана хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг ва рахбарининг молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдикланган маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 10 | Корхонамиз 2011 й 24 июндан бошлаб уз фаолиятини олиб бормокда. Фаолият бошлаган даврдан бошлаб корхонамиз хамкор корхоналаримиз билан молиявий қарамлик мавжуд маслигини билдирамиз. Маълумотнома илова килинди. | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 10 | Корхонамиз 05.08.2021 йил ташкил топган. | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом | Применение преференции | Общее значение | Дата предложения | Оценка стоимости |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | конвертации (UZS) | | (UZS) | | (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 4 797 000.00 | 4 700 000.00 UZS | 4 700 000.00 | 00.00 | 4 700 000.00 | 09.11.2022 00:01:22 | 10 |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 4 797 000.00 | 4 790 000.00 UZS | 4 790 000.00 | 00.00 | 4 790 000.00 | 09.11.2022 00:13:27 | 9.81211 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ** | 88.2 | 10 | 98.2 |
| **MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS** | 80.1 | 9.81211 | 89.91211 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 174647 от 11.11.2022 года на приобретение Ромитан туман ХТБ га карашли 11-мактаб кузатув камераларини таъмирлаш учун определила победителем:

"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ
302037932

и резервный исполнитель: MCHJ JAVOHIR ORGTEXNIKA MEGA SERVIS (308754718)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ZIKIRILLOYEV XAYRULLO SADULLOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAROMOV AMRILLO RAJABOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | AXMEDOV AZIZ AVAZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BO‘RONOV ERGASH NURMURODOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП